

Кредитнинг тўлиқ қиймати <u> </u> <u> </u> йиллик <u> </u> %
--

**Таълим кредитини беришга
_____ -сон шартнома**

_____ ш.

202_ йил «___» _____

Куйида «**Банк**» деб аталувчи «**InfinBank**» АЖ _____ асосида фаолият юритувчи _____ шахсида бир томондан, ва

Куйида «**Қарз олувчи**» деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси _____, бошқа томондан, мазкур Шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

I. Шартнома предмети

1.1. Банк ушбу Шартнома шартларида _____ ўқув йилларидаги ўқиш даврига _____ даги _____ -сон контрактга (_____ -сон ҳисобварақ-фактурага) биноан _____ да тўлов-контракт асосида _____ -курсда ўқиш учун миллий валютада _____ (_____) сўм миқдоридида таълим кредитини бериш мажбуриятини олади.

1.2. **Кредитнинг тўлиқ қиймати миқдори:** йиллик _____ (_____) %. Ушбу шартномани имзолаш билан Қарз олувчи кредитнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмаган қарз олувчининг барча тўловлари ҳақида хабардор эканлигини тасдиқлайди.

1.3. Қарз олувчи ушбу шартномада назарда тутилган шартларда олинган пул суммасини қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятини олади.

1.4. Олинган кредитни ҳисобга олиш учун Банк Қарз олувчига 14901 _____ рақамли ссуда ҳисобварағини очади.

1.5. Кредитдан фойдаланиш жараёнида Қарз олувчи кредитлашнинг муддатлилиқ, қайтаришлиқ, мақсадлилиқ, тўловлилиқ, таъминланганлик тамойилларига риоя қилиши шарт.

II. Шартнома муддати

2.1. Охириги траншни сўндириш санаси – _____ йил _____.

2.2. Шартноманинг амал қилиш муддати – Тарафлар томонидан ушбу Шартнома бўйича барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар.

III. Шартнома баҳоси

3.1. Қарз олувчи кредитдан фойдаланганлик учун Банкка куйидаги фоизларни тўлаш мажбуриятини олади:

3.1.1. кредитдан фойдаланиш муддати доирасида – йиллик _____ **фоиз**;

3.1.2. мазкур Шартноманинг 4.2-бандида кўрсатилган кредитни қайтариш муддатлари бузилганида:

- Кредит бўйича асосий қарзни қайтариш муддати бузилган кундан бошлаб, кредитнинг муддати ўтган қарздорлигига нисбатан мазкур Шартноманинг 3.1.1. - бандида белгиланган фоиз устамаси 3 (уч) бараварга оширилган ҳолда ҳисобланади;

- Кредит бўйича асосий қарзни қайтариш муддати бузилган кундан бошлаб кредитни қайтариш 90 (тўқсон) календарь кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилганда мазкур Шартноманинг

3.1.1. - бандида белгиланган ўрнатилган фоиз устамаси 3 (уч) бараварга оширилади ва кредит бўйича муддатли асосий қарз қолдиғига нисбатан ҳисобланади.

3.2. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар Банк томонидан ҳисобланиб, у Қарз олувчига тегишли ҳисоб-китобни тақдим этади.

3.3. Фоиз устамаси тури (кераклиги белгилансин):

- ўзгармас
- ўзгарувчи фоиз устамаси

3.4. Кредитнинг асосий суммаси ва фоизларини тўлаш усули (кераклиги белгилансин):

- дифференциал
- аннуитет

IV. Ҳисоб-китоблар тартиби

4.1. Банк Қарз олувчига ушбу Шартномада назарда тутилган шартларда, Қарз олувчи томонидан тақдим этилган ўқиш учун контрактга ҳақ тўлашга тўлов ҳужжатларига ушбу Шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ссуда ҳисобварағидан тўловни амалга ошириш йўли билан кредит беради. Тўлов амалга оширилаётган барча тўлов ҳужжатлари ва шартномалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилиши лозим. Ушбу шартларга риоя қилинмаганда Банк тўловни амалга оширишни рад этишга ҳақли. Банк шунингдек тўлов амалга оширилаётган шартномаларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритишни талаб қилишга ҳақли.

4.2. Қарз олувчи кредит бўйича асосий қарз ва кредитдан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизларни мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган илова қилинадиган Тўловлар жадвалига (1-Илова) мувофиқ ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш йўли билан сўндиради. Кредит бўйича асосий қарз ва фоизлар ўз вақтида тўланмаганида, Қарз олувчи кредит сўндирилишини таъминлайдиган чораларни кўриши шарт. Акс ҳолда, Банк кредитлашни тўхтатиш ҳамда кредит ва ҳисоблаб ёзилган фоизларни муддатидан олдин ундириш ҳуқуқига эга.

4.3. Қарз олувчи Банкка кредитдан фойдаланганлик учун мазкур Шартноманинг 3-бўлимида белгиланган фоизларни ҳар ойда тўловлар жадвалга мувофиқ асосий қарзни сўндириш кунинда тўлайди. Фоизлар ссуда ҳисобида акс этган тўловлар бўйича дебетлаш кунидан бошлаб ҳисобланади.

4.4. Агар фоизларни тўлаш ва кредитнинг асосий суммасини сўндириш куни дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, тўлов дам олиш ёки байрам кунидан олдинги кунга кўчирилади.

4.5. Агар Қарз олувчи ссуда қарздорлигини ушбу Шартномада белгиланган муддатларда ўз вақтида сўндирмаса, кредитдан фойдаланганлик учун ушбу Шартноманинг 3.1.2-бандига биноан фоизлар тўлайди.

4.6. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар бир йилда 365 кун ҳисобидан кредитнинг амалдаги қолдиғига ҳисобланади.

4.7. Қарз олувчидан кредитнинг жорий тўлови учун кредитни қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўпроқ маблағ келиб тушса, у ҳолда Банк, Қарз олувчининг тегишли аризасига кўра, келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини Қарз олувчининг кредитининг асосий қарзини сўндиришга йўналтиради ҳамда кредит суммасини қайта ҳисоблайди.

V. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Банк қуйидагиларга мажбур:

5.1.1. Қарз олувчи томонидан молиялаштиришни очиш учун зарур бўлган барча шартлар бажарилган вақтдан бошлаб 3 иш куни ичида Қарз олувчига ушбу шартномада қайд этилган миқдорда ва шартларда кредит бериш.

5.1.2. Кредитни тўлаш _____ йил _____даги _____-сон контрактга _____ йил _____даги _____-сон ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган реквизитлар бўйича амалга оширилади.

5.1.3. Қарз олувчига унга берилган кредит бўйича барча зарур ахборотни бериш.

5.1.4. Кафиллик шартномаси тузилган тақдирда ва кафил томонидан Қарз олувчининг мажбуриятлари бажарилгандан сўнг кафилга Қарз олувчига нисбатан талабни тасдиқловчи ҳужжатларни топшириш, ушбу талабни таъминловчи ҳуқуқларни бериш.

5.1.5. кредитдан фойдаланиш ва уни сўндириш, ҳисобланган ва тўланган фоизлар ҳамда пеня ҳисобини юритиш.

5.1.6. низолар вужудга келган тақдирда Қарз олувчининг шахсий ҳисобварақларидаги банк ёзувлари Қарз олувчининг мажбуриятлари бажарилганлиги ва уларнинг миқдорларининг устувор далили ҳисобланади.

5.1.7. Агар кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилгандан сўнг кредит бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ёки шартномада кўзда тутилган ўзгарувчан фоиз устамаси ўзгариши, кредит шартномасининг шартлари томонлар ўртасида қайта кўриб чиқилиши (шу жумладан, кредитнинг реструктуризация қилиниши), Қарз олувчи томонидан кредит қисман муддатидан олдин сўндирилиши муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловларининг миқдорлари ўзгарганда Банк кредитни қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштириб, Қарз олувчига тақдим қилади.

Бунда, кредитни қайтариш жадвали янгидан расмийлаштирилиши билан ундан олдин мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади.

5.2. «Қарз олувчи» қуйидагиларга мажбур:

5.2.1. ушбу Шартноманинг 1.1-бандига кўра Қарз олувчи ва таълим муассасаси ўртасидаги ўқишга контрактни Банкка тақдим этиш;

5.2.2. ушбу Шартнома бўйича Банк олиши лозим бўлган барча суммаларни кредит берилган валютада сўндириш.

5.2.3. ушбу Шартномада муддатларда ва шартларда кредитни (асосий қарз, кредит учун фоизлар, комиссиялар, пеня ва кредит бўйича бошқа тўловларни) сўндириш;

5.2.4. Банк ушбу Шартномага мувофиқ олиши лозим бўлган суммалар улар Банк томонидан олинганда тўланган ҳисобланади.

5.2.5. Банк томонидан кафиллик шартномаси тузилган тақдирда ва кафил томонидан Қарз олувчининг мажбуриятлари бажарилганда кафилга 1 (бир) банк куни ичида у томонидан бажарилган мажбуриятлар суммасини тўлаш;

5.2.6. Банкка Қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидан, шунингдек бошқа ҳисобварақларидан (карта ҳисобварақларидан), агар мавжуд бўлса ёки келгусида очилса, кредит бўйича қарздорликни, шу жумладан асосий қарз, тўланиши талаб қилинган фоизлар ва пеня бўйича қарздорликни сўндиришга пул маблағларини ҳисобдан чиқаришнинг чақириб олишсиз ва сўзсиз ҳуқуқини бериш.

5.2.7. Банк ходимларини, кафиллик шартномаси тузилган тақдирда кафилни кредитдан мақсадли фойдаланилаётганлигини текширишга қўйиш, уларга текшириш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш.

5.2.8. Банкка 3 календарь куни ичида яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми, мобил телефон рақами, иш жойи телефон рақами, прописка манзили ўзгарганлиги, кредит ажратишда банкка тақдим қилинган шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги ўзгаришлар ҳақида ҳамда Қарз олувчининг мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга таъсир кўрсатишга қодир бўлган бошқа маълумотлар ва ҳолатлар ҳақида маълум қилиш.

5.2.9. муддатли мажбуриятларни ушбу шартноманинг 4.2-бандига мувофиқ расмийлаштириш.

5.2.10. гаров шартномаси расмийлаштирилган тақдирда Банкнинг дастлабки сўровига кўра Банкнинг вакилларига гаровга қўйилган гаров предметининг амалдаги ҳолатини текшириш имкониятини таъминлаш.

5.2.11. Суғурта қилиш, гаров шартномасини расмийлаштириш, кафолат (кафиллик) олганлик учун кафолат (кафиллик)га тўлаш билан боғлиқ харажатлар қийматини тўлаш ва бошқ.

5.2.12. Банк чақирувига кўра банк ҳудудида ёки Қарз олувчи яшаш манзилида банк вакиллари билан шахсан кўришиш.

5.2.13. Кредит бериладиган пайтга қадар Банкка таъминот тақдим этиш.

5.3. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.3.1. Қарз олувчининг молиявий аҳволини, кредитдан мақсадли фойдаланилаётганлигини текшириш ва ушбу Шартноманинг амал қилиши мобайнида Қарз олувчининг ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришини назорат қилиш;

5.3.2. исталган вақтда ва ўзи белгилайдиган шаклда Қарз олувчида кредитдан мақсадли фойдаланилаётганлигини текширувдан ўтказиш;

5.3.3. Банкка мазкур Шартнома бўйича ўз талабларини қондириш учун зарур бўлган, картҳисоб(лар)да ҳисобга олинандиган Қарз олувчининг барча банклардаги ҳамма ҳисобларидан акцептсиз ва тортишувга ўрин қолдирмайдиган тартибда пул маблағларини ечиб олиш. Қарз олувчи

эса ушбу билан Банкка ечиб олиш ҳуқуқини беради ва келгусида ҳеч қандай эътирозларга эга бўлмайди. Шу муносабат билан Қарз олувчи Қарз олувчининг Ўзбекистон Республикасининг исталган банкларида очилган барча ҳисобварақлари ва банк карталаридан Банкка тўланиши лозим бўлган суммаларни Банк томонидан автоматик тарзда ечиб олинишига розилик беради, автоматик ечишга Банкка топшириқ ва ваколат беради. Автоматик сўндириш хизмати Қарз олувчи кредит олган пайтдан бошлаб Банк томонидан фаоллаштирилади, Қарз олувчи эса Банкдан ушбу хизматни ихтиёрий равишда олишига розилик билдиради ва тасдиқлайди;

5.3.4. қуйидаги ҳолларда кредитни муддатидан олдин сўндиришни талаб қилиш:

- Қарз олувчи томонидан кредитни ва/ёки у бўйича ҳисобланган фоизларни сўндириш муддатлари икки ва ундан ортиқ марта бузилганда;
- Қарз олувчи ссуда олиш учун Банкка ссуда бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича ёлғон ёки нотўлиқ маълумотларни тақдим этганлиги маълум бўлганда;
- Қарз олувчи томонидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар бузилганда.

5.3.5. Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома шартлари бузилганда Банк кредит бўйича танлашларни тхтатиб туриш ва/ёки кейинчалик кредит беришни рад этишнинг сўзсиз ва чақириб олишсиз ҳуқуқига эга.

5.3.7. Қарз олувчи томонидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаган тақдирда, шунингдек гаров шартномаси тузилган тақдирда Банк қарздорликни гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобига суддан ташқари тартибда ундириб олишнинг сўзсиз ҳуқуқига эга бўлади.

5.3.8. Агар ушбу Кредит Шартномасига биноан амал қилиши лозим бўлган суғурта шартномаси Қарз олувчи томонидан суғурта мукофотлари тўланмаслиги оқибатида исталган вақтда ва исталган сабабга кўра амал қилиш кучига эга бўлмаса, у ҳолда Банк шундан кейин ёки ушбу факт давом этаётган исталган вақт мобайнида ўз номидан Қарз олувчи учун бундай мукофотни тўлаб бериш ҳуқуқига эга бўлиши (бирок бундай мажбуриятларга эга эмас) ва Банк зарарни камайтириш учун мақсадга мувофиқ ёки зарур деб топган барча чораларни кўриши мумкин. Бунда Банк тўланган суммани Қарз олувчидан сўзсиз тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга.

5.3.9. Банк томонидан кредитдан мақсадсиз фойдаланганлик факти аниқланганда Банк кредитни муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга. Бунда Банк Қарз олувчини муддатидан олдин ундириб олиш тўғрисида уни қўллашдан 5 (беш) кун олдин огоҳлантириши шарт.

5.4. Қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.4.1. кредит бўйича қарздорликни муддатидан олдин тўлиқ миқдорда ёки қисман сўндириш;

5.4.2. исталган вақтда Банкдан унга берилган кредит бўйича ўзига зарур бўлган ахборотни сўраб олиш.

5.4.3. Мазкур Шартнома тузилганидан кейин ва Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича кредит олингунга қадар кредит олишдан бепул асосда воз кечиш.

5.4.4. Бирор-бир жаримани тўламасдан кредитни исталган вақтда муддатидан олдин сўндириш.

VI. Кредит бўйича таъминот

6.1. Ушбу шартнома бўйича берилаётган кредит _____ (_____) сўм _____ тийин миқдоридаги _____ билан таъминланади, бу кредит суммасининг _____ фоизини ташкил этади.

6.2. Кафил Банк олдида Қарз олувчи томонидан кредит суммасининг ўз вақтида қайтарилиши, шунингдек фоизлар, неустойка тўлаш, қарзни ундириб олиш бўйича суд харажатларини ва Қарз олувчи мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли Банк кўрган бошқа зарарларни қоплаш учун солидар тартибда жавоб беради.

6.3. Қарз олувчининг мажбуриятларини бажарган Кафилга Банкнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда кредитор сифатида Банкка тегишли бўлган ҳуқуқлар Кафил Банкнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмда ўтади.

6.4. Қарз олувчининг мажбуриятини бажарган Кафил асосий қарз суммасини ва Банкка тўланган суммага фоизлар тўлашни ҳамда Қарз олувчи учун жавобгарлиги муносабати билан кўрган бошқа зарарларини қоплаб беришни Қарз олувчидан талаб қилишга ҳақли.

6.5. Қарз олувчи кафиллик ва таъминотнинг бошқа турлари мавжудлигидан қатъи назар асосий қарзни, фоизларни, бошқа суммани ушбу Шартномага кўра белгиланган санада тўлай олмайдиган

вазият вужудга келганда Банкка ундирувни Қарз олувчининг мол-мулкига қаратишнинг сўзсиз ҳуқуқини беради.

6.6. Гаров таъминотини алмаштириш бунга Банкнинг розилиги мавжуд бўлганда амалга оширилади. Қарз олувчи/гаровга қўювчи ташаббуси билан гаров таъминоти алмаштирилган тақдирда, Қарз олувчи гаров таъминотини алмаштириш учун тўланадиган воситачилик ҳақини гаров таъминотини алмаштириш пайтида амалда бўлган миқдорда Банкка тўлаш мажбуриятини олади.

VII. Тарафларнинг жавобгарлиги. Шартномани бекор қилиш

7.1. Айбдор тараф жабрланувчи тарафга ушбу Шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик билан етказилган зарарларни қоплаб бериши шарт.

7.2. Банк ушбу шартномани суд тартибида бекор қилишга ҳамда Қарз олувчидан ссуда қарздорлигини муддатидан олдин сўндириш ва ҳисобланган фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли, агар:

а) Қарз олувчи асосий қарзни ҳамда ҳисобланган фоизларни сўндириш муддатларини икки марта ва ундан ортиқ бузса ёки ушбу Шартномадан келиб чиқадиган бошқа мажбуриятларни бажармаса;

б) Қарз олувчи кредит маблағларидан мақсадсиз, яъни кредит олиш учун Банкка тақдим этилган ҳужжатлардаги шартларга зид равишда ёки улардан жиддий четга чиққан ҳолда фойдаланса;

в) кредит маблағлари тўлиқ тўланишидан олдин ёки ушбу Шартноманинг амал қилиши мобайнида Қарз олувчининг молиявий ва мулкий аҳволи жиддий ёмонлашса;

г) Қарз олувчи кредит олиш учун Банкка кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича ёлғон ёки нотўлиқ маълумотларни тақдим этган бўлса;

д) ушбу Шартномада ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

7.3. Қарз олувчи Банк олдида кредит ва у бўйича фоизларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтарилиши, шунингдек қарзни ундириб олиш бўйича суд харажатларини ва Қарз олувчи мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли Банк кўрган бошқа зарарларни қоплаш учун ўзининг барча мол-мулки билан жавоб беради.

7.4. Қарз олувчи Банкка Қарз олувчи томонидан кредит бўйича тақдим этилган таъминотни реализация қилиш ва ундирувни Қарз олувчининг бошқа мол-мулкига қаратишнинг сўзсиз ҳуқуқини беради.

7.5. Банк олий таълим муассасаси томонидан талабанинг ўқишдан четлаштирилганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаган бўлса, таълим муассасаси банкка ушбу давр учун кредит бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаб бериши шарт.

7.6. Банкнинг айби билан кредит маблағларини бериш мажбурияти бажарилмаганлиги ёки ўз вақтида бажарилмаганлиги учун Банк 1 БҲМ миқдоридан жарима тўлайди.

VIII. Форс-мажор ҳолатлари (ФМХ)

8.1. Томонлардан ҳеч бири мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун, агар бу бажармаганлик шартнома тузилганидан кейин юзага келган ҳамда уларни олдиндан кўра олиш ва оқилона чоралар билан олдини олишнинг имкони бўлмаган енгиб бўлмас куч ҳолатлари (сув тошқини, ёнғин, зилзила ва бошқа табиий офатлар) туфайли келиб чиққан бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

8.2. ФМХ таъсири қайси Томонда юзага келган бўлса, шу Томон бу ҳақда зудлик билан бошқа томонни хабардор қилиши шарт. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатлари енгиб бўлмас куч ҳолатлари (ФМХ) амал қиладиган вақтга мутаносиб муддатга кўчирилади.

IX. Бошқа шартлар

9.1. Шахсий маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ, Қарз олувчи Банкка ўз фаолиятини юритиш, Банк томонидан мазкур Шартнома шартларини бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаган бошқа мақсадларда Банк томонидан Қарз олувчининг ҳар қандай шахсий маълумотларига ишлов бериш ва улардан фойдаланишга муддатсиз розилигини тақдим этади.

9.2. Ушбу билан Қарз олувчи Банкдан ушбу шартнома шартлари бажарилиши бўйича эслатмалар, банк хизматларини тарғиб қилиш билан боғлиқ реклама материалларини бевосита алоқани амалга ошириш йўли билан, барча алоқа воситаларидан, шу жумладан, почта тарқатмаси, СМС-тарқатма, овозли тарқатма, электрон хатлар тарқатмаси ва х.к.дан фойдаланган ҳолда, аммо улар билан чекланмасдан, олишга ўз розилигини билдиради.

9.3. Кредит ва унга ҳисобланган фоизлар Қарз олувчи томонидан ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Қарз олувчининг кредит тарихида мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги тўғрисида маълумотлар шаклланади ва бу эса ўз навбатида келгусида Қарз олувчи томонидан кредит ташкилотларидан кредит олиш имконияти пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

9.4. Қарз олувчи қуйидагиларни тан олади ва розилик беради:

- Суғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар бўлган Қарз олувчига нисбатан Банкнинг талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида суғурта товонини тўлаган суғурталовчига ўтади;

- Банк Суғурталовчига барча ҳужжатлар ва далилларни топшириши ва Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча маълумотлардан хабардор қилиши шарт.

9.5. Ушбу шартнома бўйича хабарномалар, эътирозномалар Қарз олувчига шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари ва бошқа коммуникация каналлари орқали топширилиши мумкин.

9.6. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган ҳолларда Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

9.7. Ушбу Шартнома бўлимларининг сарлавҳалари фақатгина ҳавола қилиш қулайлиги учун хизмат қилади ва Тарафларнинг мақсадларини аниқлаш ёки изоҳлаш учун мўлжалланмаган, шунингдек ушбу Шартнома қоидаларини ўзгартирмайди ва уларга ҳеч қандай тарзда таъсир қилмайди.

9.8. Ушбу шартнома Банк ва Қарз олувчи томонидан имзолангандан сўнг кучга киради ва Қарз олувчи томонидан Банк олдидаги мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.

9.9. Мазкур Шартнома ёки у муносабати билан келиб чиқиши мумкин бўлган барча низоларни томонлар музокаралар йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Агар томонлар келишувга эришмаса, улар ўртасидаги низо Банк ихтиёрига кўра:

- ё Банк (агар кредит Банк филиали томонидан берилган бўлса, Банк филиали) жойлашган манзил бўйича судда;

- ёки Ўзбекистон Республикаси ССП ёхуд Ўзбекистон Республикаси ССП Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги ҳакамлик судида ҳал этилади.

9.10. Шартнома шартларини ўзгартириш, уни узайтириш ёки келишилган ҳолда муддатидан олдин бекор қилиш Тарафларнинг қўшимча ёзма келишувига кўра амалга оширилади.

9.11. Ушбу Шартномага барча иловалар ва қўшимчалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.12. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилди, уларнинг ҳар бири бир хил юридик кучга эга.

Х. Тарафларнинг реквизиитлари

«Банк»:

«Қарз олувчи»:

Ф.И.Ш. _____

Бош бухгалтер
